*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 214 (9710). • 1989 йил 10 ноябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.


# ЯНАДА САМАРАЛИРОҚ ИШЛАЙЛИК!

### ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1989 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИ МОБАЙНИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида, дейилади Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг ахборотида, жамоат ишлаб чиқаришда структуравий силжишлар амалга оширилиши ҳисобига истеъмол ва ноишлаб чиқариш қурилишларига йўналтирилган ресурслар салмоғи ошди. Истеъмол моллари («б» группаси маҳсулотлари) буюмлари ишлаб чиқаришининг ўсиши ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ўзиб кетди. Чакана товар обороти плани ортиғи билан бажарилди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми ошмоқда.

Хўжалик юритишнинг янги шаклларини жорий этиш жараёни давом этмоқда. 1989 йилнинг октябрь ойига келиб 12 саноат корхонаси, 83 қурилиш ташкилоти, 511 чакана савдо корхонаси, 285 умумий овқатланиш корхонаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи 3 корхона ва бошқа бир қанча ташкилотлар ижара пудрати асосида ишлади.

Шу билан бирга бу йил республика халқ хўжалиги мураккаб шароитда ривожланмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бир қанча кўрсаткичлари ўсишида барқарор суръатларга эришишда кескинлик сақланиб қолмоқда. Энг зарур бўлган кўпгина моллар тақчиллиги ошди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш қисқарди.

Молиявий аҳволни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳозирча сезиларли натижа бермади.

Давлат корхоналари ва ташкилотларининг фойдаси (даромади) тўловларидан январь—сентябрь ойларида бюджетга 996,2 миллион сўм тушди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 174,9 миллион сўм камдир.

Оборот солиғи ҳисобидан бюджетга 2,7 миллиард сўм тушди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 349,5 миллион сўм кўпдир.

Корхона ва ташкилот фойда олиш юзасидан камайтирилган планларни қабул қилиши практикаси сақланиб қолмоқда, бунинг натижасида шу йилнинг ҳисобот даври учун қабул қилинган план ўтган йилнинг шу давридаги ҳақиқий даражадан паст бўлди. Барча асосий тармоқлар ва халқ хўжалиги комплекслари молиявий натижаларга кўра план топшириқларини ортиғи билан бажардилар. Шу билан бирга халқ хўжалигида пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг 3 фоизи ва саноат корхоналарининг 4 фоизи зарар келтириб ишлашни давом эттирмоқда.

1989 йил 1 октябрига келиб кредит маблағлар 14,7 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,7 миллиард сўм камайди.

Банкларнинг қисқа муддатли ссудалари ва хўжалик ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича муддати ўтиб кетган қарзлар 1 октябрга келиб 2,1 миллиард сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг шу вақтигача бу рақам 3,2 миллиард сўмни ташкил этган эди.

Тўққиз ойи мобайнида 1988 йилнинг шу давридагига нисбатан 38,7 процент кўп пул муомалага чиқарилди.

Қиш шароитида ишлашга тайёргарлик ниҳоясига етмоқда. Асосий истеъмолчиларда 2 октябрга келиб кўмир запаслари 990,6 минг тоннани ташкил этган, бу эса ўтган йил 30 сентябрдагига нисбатан 34.5 минг тонна камдир. Енилғи мазут запаслари 2 октябрда 352,2 минг тоннани ташкил этган ёки бу 1988 йил 30 сентябрдагига қараганда 3,5 фоиз кўпдир.

(Давоми 2-бетда).

## • «Компрессор» маҳсулотлари

## ИТТИФОҚ ВА ЧЕТ ЭЛЛАРГА

● ОБЛАСТИМИЗ саноат корхоналарининг маҳсулотлари чет элларга ҳам реализация қилинади. Жумладан пойтахтдаги Компрессор заводида тайёрланаётган компрессорларни бир қатор социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар харид қилиб олади. Компрессорчилар ҳатто Лейпцигда ўтказилган халқаро саноат ярмаркасида ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб олтин медаль совриндори бўлишган. Бундай ютуқларга эришишда заводнинг бир неча турдош касбларни пухта ўзлаштирган қуйи меҳнат коллективларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Суратларда: ана шундай пешқадам, комплекс бригадалардан бирининг етакчиси Ш. Илёсовни коллективи аъзолари А. Ғуломов ва С. Нурмуҳамедовлар билан кўриб турибсиз; тайёр маҳсулотларни жўнатиш пайти.

Суратчи: М. НУРИДДИНОВ.





## ЯНГИ ҚУВВАТЛАР, ИНШООТЛАР...

● ЎН ИККИНЧИ беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам капитал қурилиш ишлари кенг ҳажмда олиб борилмоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Улар орасида қатор қайта ишлаш саноати иншоотлари ҳам бор. Жумладан, бир қанча озиқ-овқат корхоналари реконструкция қилинди. Айни вақтда янги ишлаб чиқаришлари барпо этилди. Ғазалкент консерва заводида ҳар йили уч миллион шартли банка мева-сабзавот консервалари тайёрлашга мўлжалланган янги линия ишга туширилди.

● БЕКОБОД район агросаноат бирлашмасида ҳам шундай қувватга эга бўлган ишлаб чиқариш маҳсулот бера бошлади. Янгийўл ёғмой комбинатида совун ишлаб чиқарувчи замонавий комплекс қурилиши билан корхонада бундай тақчил маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баробардан ҳам ортиқроқ ошди. Янгийўлдаги вино заводида, Қибрайдаги салқин ичимликлар комбинатида, Тошкентдаги қатор енгил саноат корхоналарида ҳам кундалик рўзғор учун зарур бўлган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай янгиликлар рўйхатини давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси областимиз меҳнаткашлари эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилиши билан эътиборга лойиқдир.

● СОВЕТ кишиларининг турмуш шароитларини яхшилашнинг бошқа тармоқларида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди. Марказлашган капитал маблағлар ҳисобига вилоятимизда (Тошкент шаҳридан ташқари) икки юз етмиш икки минг олти юз олтмиш олти квадрат метрдан ортиқ саҳнли турар-жойлар фойдаланишга топширилди. Уларда минглаб оилалар уй тўйлари ўтказдилар, Улуғ Октябрь байрамини шу ерда кутиб олдилар.

Бундан ташқари меҳнаткашларга тиббий ва бошқа хизмат кўрсатувчи муассасалар ҳам қурилди. Жумладан, икки юз эллик ўринли касалхоналар фойдаланишга топширилиб, бу соҳа бўйича вилоят плани 132 фоиз қилиб адо этилди. Айни вақтда тўққиз юз нафардан ортиқ беморни қабул қиладиган шифохоналар ишга туширилди. Тиббий муассасалар барпо этиш бўйича топшириқ 112 фоиз қилиб бажарилди. Бир йўла икки минг уч юз етмиш беш жажжи фарзандларимиз тарбияланадиган боғча-яслилар қад кўтарди. Қурилган умумий таълим мактаблари эса ўн мингдан ортиқ йигит-қизларни ўз бағрига олади. Мактаблар қурилиши бўйича тўққиз ойлик топшириқ ортиғи билан адо этилди.

18-ФЕВРАЛЬ — РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

БИЗНИНГ Янги Тошкент консерва комбинатимиз ишчи-хизматчилари жумҳурият Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунларини қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олдилар. Маҳаллий Советлар депутатларининг ваколатларини беш йил муддатга узайтирилгани, айниқса, мақсадга мувофиқ бўлган. Энди халқ вакиллари сайловчилардан тушган наказларни режалаштириш ва бажариш учун анча кенг имкониятларга эга бўладилар. Бундан ташқари депутатларга наказларни бажариш жараёнида иш вақтидан ҳам фойдаланишга қонун йўли билан имкон берилганлиги маҳаллий Советларнинг обрў-эътиборини яна оширади.

Ҳозир ҳамма ерда 18 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга тайёргарлик бошланмоқда. Асосий эътибор янги қонунлар муносабати билан бу йилги сайловолди кампанияси даврида амал қиладиган асосий янгиликларни кенг тушунтиришга қаратилаётир. Чунончи, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, аҳоли истиқомат жойларида номзодлар кўрсатиш тартиби шарҳланмоқда. Чунки у ёки бу Советнинг мавқеи унга сайланган депутатларнинг билими, онги ва савиясига боғлиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, депутатликка номзодларни ҳар томонлама ўйлаб, танлаш, уларнинг сайловчилар билан учрашувларини пухта уюштириш ва шу учрашувларда обдон синаш маскадга мувофиқдир. Бунда регионадаги мавжуд аҳвол атрофлича таҳлил этилиши, камчилик ва нуқсонлар очиқ-ойдин айтилиши, навбатдаги режа қандай бўлиши хусусида сўз юритилиши, айниқса, муҳимдир. Бизнингча, ваколати тугаётган депутатлар ҳам сайловолди учрашувларига таклиф этилиб, уларнинг ҳисоботлари тинглanса, фаолиятларига холис, аммо қатъий баҳо берилса айни муддао бўларди. Токи бўлажак депутатлар халқнинг талаби қатъий бўлишини номзодлик пайтларидаёқ билиб қўйсинлар.

Маҳаллий Советларга ўтказилган аввалги сайловларда (1987 йил 21 июнь) бизнинг комбинатимиздан етти киши депутат қилиб сайланган. Ўшанда сайловчилар вилоят Советининг депутати Дилбар Орипова билан ноҳия Советининг депутати Шафоат Абдуллаевага ҳар бири 72 квартирали 2 та уй ва 200 ўринли умумий ётоқхона қурдириб беришни халқ наказы сифатида топширган эдилар. Аммо сайловдан сайловгача ўтган вақт ичида бу объектларни қуриш у ёқда турсин ҳатто ўрни ҳам белгиланмади. Сайловолди учрашувларидаги ваъдалар ваъдалигича қолиб кетди. Натижада халқнинг депутатларга нисбатан ишончи бироз бўлса-да, сусайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, депутатларнинг наказларини тартибга солиб, уни расмийлаштириб қўйишга ижроия комитетларнинг план-бюджет бўлимлари, доимий комиссиялари бурчли эканликлари Конституцияда белгилаб берилган. Аммо бизнинг ижроия комитетларимиз ана шу бурчларини тўла бажармайдилар.

Бу йилги сайловолди кампаниясида шу масалаларга ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Х. ОМОНОВ.
Орджоникидзе райони.

## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

### МАВЗУГА САДОҚАТ

● ЯҚИНДА ўз таваллудининг 70 йиллигини ва ижодий фаолиятининг 50 йиллигини нишонлаган москвалик мусаввир ва ҳайкалтарош Фёдор Васильевич Викулов бутун умри давомида ватанпарварлик мавзусига содиқ бўлиб қолди. Унинг барча асарларида Россия фарзандларининг буюклиги ва яратувчанлиги ўз ифодасини топган. Мусаввир қаҳрамонлари орасида Ослябя ва Пересвет, Александр Невский ва Дмитрий Донской, Александр Суворов ва Георгий Жуков, Дмитрий Менделеев ва Фёдор Шаляпин каби унутилмас сиймолар тасвири мужассамлашган. Ҳайкалтарош устахонасида жами 400 га яқин ана шундай тайёр ҳайкалларни учратасиз.



● Суратда: Фёдор Васильевич Викулов ўз устахонасида

—●—

### СИФАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

● ПЕРМЬ телефон заводида халқ эҳтиёжи товарларини ишлаб чиқаришга бўлган эътибор тобора ошиб бораяпти. Фақатгина шу йилнинг ўзида 1,5 миллион телефон аппаратлари чиқариш режалаштирилган. Маҳсулотлар сифати ҳам яхшиланмоқда. Аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулотнинг 97,5 фоизи давлат сифат белгиси билан савдога жўнатилмоқда.



● Суратда: инженер-конструктор Инга Харисова телефон турларини намойиш этаётир.

ТАСС суратлари

# ДЎСТЛИК ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

**«Узинтранс»... Бу Ўзбекистон жумҳуриятининггина эмас, балки Ўрта Осиё автомобиль транспортида янгилик. Шу вақтгача бундай ташкилот бўлмаган эди. У қайта қуришнинг меваларидан бири. Иш бошлаганига ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ. Эндигина тўртинчи ой кетаяпти.**

Нариманов шаҳридаги асфальт-бетон заводи тўхтатиб қўйилгач унинг ҳудуди шу автокорхона учун ажратиб берилди. Қисқа вақт ичида янги корхонани барпо этиш бўйича катта ҳажмдаги ташкилий-техникавий, қурилиш ишлари амалга оширилди. У асосан хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари бўлган ва ҳозирги вақтда шундай ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳозирлик кўраётган корхоналар ва ташкилотларга транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида вужудга келтирилди.

Кенжа корхонанинг байналмилал коллективи август ойидан бошлаб мижозлар буюртмасини бажаришга киришди. Дастлабки ташриф, биринчи қадам Хитой Халқ Республикасига бўлганлиги диққатга сазовордир. Корхонанинг бир неча оғир юкли машиналарини бу дўст мамлакатда очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Бу икки буюк давлат ўртасида бир вақтлар барбод қилинган дўстона алоқалар тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёрқин нишонасидир.

Янги турдаги корхонани ташкил этувчилар Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлиги ва «Узбекинторг» ташқи савдо бирлашмасидир. Бу транспорт ташкилоти ҳайдовчилари жумҳуриятимиздан «оқ олтин» момиғи, пахта, руҳланган тунука тахталарини ХХРнинг Уйғур автоном вилояти халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа маҳсулотларни элтиб бердилар. Қайтишда ҳам бўш келинмаяпти. Дўст мамлакатдан жумҳуриятимиз учун асқотадиган турли кенг истеъмол товарлари, жумладан термослар, болаларнинг трикотаж кийим-кечаклари, айрим озиқ-овқат маҳсулоти турлари (картошка) олиб келиняпти.

«Узинтранс»нинг фаолияти билан қизиқаётган ва ундан фойдаланаётган мижозлар ҳам тўхтовсиз ортиб бормоқда. Ҳозирча «Ташинтерм» Совет-Хитой корхонаси автобаза хизматидан кўпроқ баҳраманд бўлаяпти. Бундан ташқари, «Узбекинторг», «Узбеккоопвнешторг» ташқи савдо бирлашмалари доимий мижоз ҳисобланади. Корхонанинг хорижий буюртмачилари ҳам пайдо бўлди. Қўшни малакат — Афғонистоннинг «Барат» фирмаси шундайларнинг қалдирғочи бўлди.

«Узинтранс» коллективи иш бошлаганидан бери ўтган ойлар давомида тўқсондан ортиқ рейслар бажарилди. Шуларнинг етмиштаси ХХРга бўлса, йигирматаси Афғонистонга бўлди. Ҳар гал бир неча оғир юкли автомобиллар биргаликда йўлга чиқиб турди.

Паркнинг истиқболи каттадир. Ҳозирча бу ерда саксонтага яқин автомашина бор. Улар «МАЗ—54323» маркали ва бир йўла йигирма тонна юк ташийдиган машиналардир. Халқаро йўлларда юк ташишга мўлжалланган бундай тезюрар машиналар сони кўпайиб бораверади.

— Шерикларимизга қулайлик яратиш мақсадида корхонада жумҳурият божхонасининг бўлими ишлаб турибди, — дейди автопарк директори Ботир Маҳкамович Қосимов. — Фаолиятимизнинг дастлабки ойлари тажрибаси бундай корхона ўз вақтида тузилиб, яхши қилинганидан далолат бериб турибди.

Директор ҳақ гапни айтди. Корхона СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлигининг ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг давлат реестрига киритилди. Шундай бўлгач автопарк СССРнинг ташқи иқтисодий банкида ўз баланс ва балансдан валюта ҳисобига эга бўлди. Чет эллик мижозларга кўрсатилган хизмат ҳақи шу ҳисобга тушади ва унинг муайян қисмини коллектив корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун фойдаланади.

Корхонанинг дастлабки кундан хўжалик ҳисоби шароитларида ишлай бошлаганлиги ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш усулининг иккинчи модули танлаб олинди. Шунга мувофиқ ташқи валюта ишлаб топилган маблағнинг ўттиз фоизи жумҳуриятнинг давлат бюджетига ажратилади. Валюта корхонада қандай мақсадлар учун ишлатилиши билан қизиқдик.

— Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга киришган қатор корхоналар бор, — дейди директор. — Коллективимиз юкларни фақат Осиё мамлакатларигагина эмас Европа давлатларига ҳам ташиб беришини йўлга қўймоқчи. Шу кунларда Болгария, Югославия, Греция, Германия Федератив Республикаси ва бошқа мамлакатларга ҳам юк ташишга ҳозирлик кўраяпмиз. Бунинг учун замонавий автотранспорт воситалари керак бўлади. Шунинг учун чет элларда ишлаб чиқарилган юк машиналарини ҳарид қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Ишимизнинг муваффақияти кишиларга боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаймиз, — дейди сўзини давом эттириб у. Уларни меҳнатига яраша ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳаракат қиламиз. Коллективимиз байналмилал оиладир. Бу ерда ўзбеклар, руслар, қозоқлар, татарлар, яҳудийлар, озарбайжонлар ва бошқа миллатга мансуб кишилар ишлашмоқда. Улар ҳайдовчилик касбини пухта эгаллашган, оғир юкли автомашиналарни узоқ масофаларга бошқариш тажрибалари бор. Ишимизнинг ўзига хос хусусияти шуни тақозо қилади.

Қисқа вақт бўлганига қарамай, кўпчилик ҳайдовчилар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. С. Саматов, Р. Алимов, М. Габдиев, Д. Хабибуллин, ака-ука М. ва Н. Муралимовлар ва бошқалар ишга сидқидилдан ёндашиб, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонишяпти. Улар барча юкларни эгаларига белгиланган муддатда ва сифатли етказиб бермоқдалар.

Коллектив фаолияти қўшни мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқдаки, бу тақдирга сазовордир. Шунинг учун ҳам корхона шофёрлари қатнаётган йўлларни дўстлик йўллари, деб айтиш учун асосимиз бор. Бу йўллар янада кўпаяверсин. Бу олижаноб ишда вилоятимиздаги энг кенжа автотранспорт корхонаси — «Узинтранс» коллективига муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Л. МАТКАРИМОВА,
«Узавтотранстехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта инженери.

## ХИРМОН БАРАКАСИ

БОШҚА хўжаликларда бўлганидек Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозда ҳам йиғим-терим мавсумида ҳар беш кунда мусобақага якун чиқариб борилди. Илғорлар меҳнатига холис баҳо қўйилди. Шу туфайли ҳам пахта тайёрлаш, асосан уруғлик пахта териш анча жадал борди.

Колхознинг Ж. Жуманов бошлиқ бригадаси деҳқонлари биринчилардан бўлиб маррага етиб келдилар ва давлатга 183 тоннадан ортиқ пахта топширдилар.

К. Кинжонова бошлиқ бригада деҳқонлари ҳам режаларини ошириб адо этдилар. Мавсум давомида доимо пешқадамлар сафида бордилар. М. Кирабоева, М. Алижонов ўртоқлар етакчилик қилган коллективлар ҳам яхши натижага эришдилар.

Пахтакорлар М. Далабоев, М. Тошбоев сингари механизаторларнинг ҳимматидан, айниқса, мамнундирлар. Уларнинг ҳар бири 130—140 тоннага етказиб пахта топширдилар.

Ҳосил йиғим-теримида Янгийўлдаги медицина билим юрти ва озиқ-овқат техникуми талабалари ҳам пахтакорларга мададкор бўлдилар.

И. ИМАЕВ.

## СОВХОЗ — ИШЧИЛАРГА

Жамбул номли совхоз кейинги пайтда ободонлашиб, меҳнаткашларга кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Ўтган йили 16 оила янги уйларга кўчиб ўтган эди. Йил охирига бориб яна шунча оила ҳовли тўйлари ўтказади. Шунингдек, янги медпункт, новвойхона ҳамда сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи дўкон ишга туширилди. Даладан йиғиштириб олинган мева ҳамда сабзавотлар махсус автомашина билан пешма-пеш олиб келинмоқда.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ,
Чиноз райони.

## СЎНГГИ СОАТДА

● **БЕРЛИН, 8 ноябрь (ТАСС). Бугун бу ерда ГБСП Марказий Комитетининг Пленуми очилди. АДН агентлигининг хабар қилишича, ГБСП Марказий Комитети Бош секретари Э. Кренцнинг таклифига биноан ГБСП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тўла составда истеъфога чиқди.**

**ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг янги состави сайланди.**

**Э. Кренц бир овоздан ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига тасдиқланди.**

**Х.—Й. Беме, Х. Кесслер, Э. Кренц, З. Лоренц, Х. Модров, В. Раухфус, В. Хергер, Г. Шабовский, Г. Шюрер, В. Эберляйн, В. Яровинский ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари этиб сайландилар.**

**В. Вальде, Х.—Й. Виллердинг, Г. Зибер, И. Ланге, М. Моллер, И. Хемнитцер ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод бўлдилар.**

**Э. Кренц, Х.—Й. Виллердинг, Г. Зибер, И. Ланге, З. Лоренц, В. Раухфус, И. Хемнитцер, В. Хергер, Г. Шабовский ГБСП Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.**

**Пленум ўз ишини давом эттирмоқда. У ГБСП Марказий Комитети Бош секретарининг мамлакат ва партиядаги аҳвол тўғрисидаги докладини муҳокама қилади, партия ҳаракат программасини ишлаб чиқади.**

●

**Готланд оролидан шарқроқдаги бетараф сувларда Швециянинг сув ости кемаси ва Финляндиянинг танкери тўқнашиб кетди.** Тўқнашув вақтида Швециянинг энг замонавий кемаларидан бири ҳисобланувчи сув ости кемаси сув остида эди.

●

**МЬЯНМА. Бирмада 1990 йил 27 май — ялпи парламент сайловлари ўтказиладиган кун деб эълон қилинди.** Бу ҳақдаги қарор, деб хабар қилади «Лоута пьиду нейзин» газетаси, мамлакат ҳарбий раҳбарияти ва марказий сайлов комиссиясининг қўшма мажлисида қабул қилинди.

●

**ИСЛОМОБОД. ХХРнинг Исломободдаги элчихонаси ўзининг икки ходими ғойиб бўлганлигини ва Покистон маъмурларига уларни қидиришда ёрдам беришларини сўраб илтимоснома йўллаганлигини эълон қилди.** Ушбу баёнотни берган ХХР элчихонасининг вакили ғойиб бўлган дипломатлар ким эканлигини айтишдан бош тортди ва улар элчилар поғонасида «камтарин ўрин» эгаллайди, деди холос.

●

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Марказий Америкада БМТнинг кузатувчилар группасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.** 625 кишидан иборат группа олти ойлик муддатга, регионадаги нотинч чегараларда соқчилик қилиш учун ташкил этилмоқда.

●

**Испания Компартиясининг Раиси Долорес Ибаррури зотилжам касали диагнози билан Мадрид касалхоналаридан бирига ётқизилди.** Даволовчи врачларнинг эълон қилган бюллетенига қараганда, унинг аҳволи оғир. Касалликнинг кечиши беморнинг ёши, юрак-томир фаолиятидаги етишмовчилик туфайли мураккаблашмоқда. Д. Ибаррури шу йилнинг декабрида 94 ёшга тўлади.

●

**ВАШИНГТОН. Жаҳон савдо-сотиғининг ҳажми ўтган йили 2,7 триллион долларни ташкил этди, дейилади Халқаро валюта фондининг дунёдаги 161 мамлакатда тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган йиллик докладида.**

